

ХАЛҚАМ ХУР РЕСПУБЛИКАЛАР! ЖАМАН ИТТИФОҚИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССРОлий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

10 декабрь 1972 йил, якшанба

№ 288 (15.459). ♦ Баҳоси 2 тийин.



Биз миллатларнинг ихтиёрий итти-
фоқини — бир миллатнинг иккинчи мил-
лат устидан ҳеч қандай зўрлигига йўл
қўймайдиган иттифоқини истаймиз, мут-
лақо тўла ишончга, қардошларча бир-
ликни очиқ ва равшан тўла тушуниб
олишга, тўла ихтиёрийлик асосидаги
келишувга асосланган иттифоқни
истаймиз.

В. И. ЛЕНИН

БУЮК ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК

Партия ва халқимизнинг йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин кўп миллатли социалистик давлатни вужудга келтиришда жуда катта хизмат қилди. «У. К. Маркс билан Ф. Энгельснинг ғояларини индий тарзда ривожлантириб, миллий масала ҳуусида муаммалар таълимот хратди, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи» ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик туғрисидаги қарориди. — Коммунистик партия миллий сиёсатининг илмий принципларини ишлаб чиқди. Марксизм-ленинизм жаҳонни революцион тарзда ўзгартаришда миллий масаланинг ўрни ва ролини очиқ кўрсатиб берди, бу масала пролетариатнинг синфий кураши манфаатларига, социализм манфаатларига бўйсунганлигини кўрсатди. Пролетариатнинг партия ташкилотини ва бошқа ташкилотларини интернационал белгига қараб тузиш талаби Ленинча миллий программанинг ажралмас таркибий қисми бўлди. Капиталистик асоратга қарши, социал ва миллий-озодлик учун курашда барча миллат пролетарларини бирлаштириш ҳаётий зарур эътилоғи назарий ва амалий жиҳатдан исбот қилинди».

СССРнинг ташкил топиши ўзининг сиёсий аҳамияти ва социалистик натижалари жиҳатидан Совет давлати тарихида жуда катта ўрин олди. Ана шу тарихий воқеа — пролетар интернационализм ғояларининг лиқол галабасидир. Коммунистик партия Ленинча миллий сиёсатни амалга оширишнинг аjoyиб натижасидир. Ленинча миллий сиёсат назардан чиқам, нақадар ўй-мулоҳаза, нақадар изчиллик билан, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳар томонлама инобатга олиб ўтказилганлигини миллий давлат чегаралари ичида қандай ўтганига қараб ҳам баҳо бериш мумкин. 1918 йилда собиқ Туркистон губернияси территориясида Россия Федерацияси таркибига кирган Туркистон АССР барпо этилди. 1920 йилда собиқ Бухоро амрлиги ва Хива хонлиги ўрнида меҳнаткашлар Бухоро ва Хоразм халқ республикалари тузилганлигини эълон қилдилар.

Ҳар уч республика ерида ўзбеклар, тоjikлар, туркиманлар ва бошқа миллат фарзандлари яшар эди. Шу билан ҳам миллий давлат чегараларини аста-секин амалга оширишда, 1924—1925 йилларда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм халқ республикаларидан Туркистон ССР ва Ўзбекистон ССР ташкил топди.

Мамлакатимиздаги ҳақиқат қардош халқлар ёрдамида Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам социалистик экономикани бунёд этишга қўришдилар ва уни ислоҳ қилишда юксалишларга қўтардилар.

Социализм йўлига ўтиб олган туст хукумат халқларнинг кудратли иттифоқини вужудга келтириш, мустақамлаш ва ривожлантиришда Ватанимиздаги барча миллатлар ва элатлар, биринчи гада улуг рус халқи катта ҳисса қўшди ва қўшмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда кишиларнинг турмуш тарзи ҳам, дунёқараши ҳам тубдан ўзгарди. Бутун мамлакатимиздаги сингари республикамизда ҳам эзгу мақсадларни дийлга жо этган, олжанов совет ватанпарварлиги, социалистик интернационализм, коллективизм, ўртоқлик ва қардошлик ҳис-туйғуларини қон-қонига сингириб кетган совет кишилари қамолга етди. Улар бир оила фарзандларидек иноқ ва аҳил яшамолдилар. Буларнинг ҳаммаси Улуг Ойтабъ меъаси, Ленинча миллий сиёсат тантанасидир, буларнинг ҳаммаси совет тузумининг бейёс афзоликлари ва ҳаётбахш кучини тасдиқловчи далиллардир.

Ўзбекистон экономикаси ва маданияти ҳам гуллаб-яшнади. Эндиликда республикамизда замонавий индустриянинг юз тармоғи бунёд этилгандир. Ҳозир Ўзбекистон Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида қанча кишлоқ хўжалиги техникиси тайёрланган бўлса, шунча машина ишлаб чиқармоқда. Умуманганда рағбат металлургия, энергетика, химия, газ ва электр энергиясини тайёрлаш, қўшма маҳсулотларни тайёрлаш йўлида кўп қўшма маҳсулотлар тайёрланаётган бўлса, шунча машина ишлаб чиқармоқда. Умуманганда рағбат металлургия, энергетика, химия, газ ва электр энергиясини тайёрлаш, қўшма маҳсулотларни тайёрлаш йўлида кўп қўшма маҳсулотлар тайёрланаётган бўлса, шунча машина ишлаб чиқармоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезидида Хисобот докладиди ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, бизнинг мамлакатимизда социалистик курилиш йилларида кишлоқларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди. Биргаликда қилинган меҳнатда, социализм учун курашда, социализмни ҳимоя қилиш учун олиб боришган жангларда синфлар ва социал гуруҳлар, миллатлар ва элатлар ўртасида янги гармония муносабатлар — дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари пайдо бўлди. Бизнинг кишлоқларимиз маркча-ленинча идеологиянинг муштараклиги, коммунистик жамият куришдаги юксак мақсадларнинг муштараклиги билан жингашгандилар.

Совет халқи, тарқатқиларвар инсоният Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллигини кенг нишонламоқда. СССРнинг ташкил топиши ўзининг сиёсий аҳамияти ва социалистик натижалари жиҳатидан давлатимиз тарихида бениқоҳ катта аҳамиятга эгадир.

Кўп миллатли совет халқининг бирлиги олмосдек мустаҳкамдир. Олмос ранг-баранг товланиб тургани сингари, халқимизнинг бирлиги ҳам ватанимиздаги барча миллатларнинг фазилатлари билан курнаидир. Бу миллатларнинг ҳаммаси бадавлат, эркин ва бахтли ҳаёт сурурини топтомоқда, мамлакатимизда коммунистик моддий-техника базасини барпо этиш учун қўлни-қўлга бериб ишлямоқда.



Ленин йўлидан, ягона мақсад — коммунизм сари.

В. Добровольский ва И. Сушченко чизган расм. (ТАСС фотоси).

ҚАЛБИМИЗ ҲАРОРАТИ— ПАРТИЯМИЗГА, ХАЛҚИМИЗГА

ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРИНИНГ ҚУШМА ПЛЕНУМИДАН

1922 йил 30 декабрь... Мил-
лионларча кишиларнинг фикр-
экири Совет Социалистик Рес-
публикалари Иттифоқи ташкил
топган ана шу тарихий санага
қаратилган. Ўзбекистон адабиёт
ва санъати арбоблари ҳам бутун
халқимиз билан биргаликда яқ-
диллик ва қардошлик байра-
ми — СССР ташкил топган кун-
нинг 50 йиллигини кутуб олмоқ-
далар. Улар ўзларининг энг ях-
ши нисомалари, қўшнларини, спе-
циалларини, қизган суратларини
улуг юбилейга бағишлямоқда-
лар.

9 декабрда Тошкентда рес-

публикадаги ижодий союзлар
ва ташкилотлар правление-
ларининг қўшма пленуми бўлди.
Бу пленум «Совет Социалис-
тик Республикалари Иттифоқи»
ташкил этилганлигининг 50 йил-
лигини ва Ўзбекистонда соци-
алистик маданиятнинг рағбат-
ланганлигини бағишлямоқда-
лар.

Совет Иттифоқи Коммунистик
партияси деинчи Марказий
Комитетининг Сиёсий бюроси-
дан иборат составда фахрий пре-
зидиум тоғат баланд рух билан
сайланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи
правленесининг раиса К. Яшин-
га сўз берилди.

— Биз ўз ижодиимизнинг ил-
хомбахш саҳифаларини бағиш-
лаган порлоқ тантанали кунлар

келди. Турмушимизнинг совет
интернационализи ҳаётбахш
кучи намоян бўлмаган бирорта
ҳам соҳаси йўқ. Кўп миллатли
совет адабиётининг, хўжалик,
Ўзбек совет адабиётининг бутун
тарихи ҳам шундан далолат бер-
япти, — дейди докладчи. Бошқа
миллатлар адабиётларининг,
аввало, улуг рус адабиётининг
таъсири билан ёйрин прозян
формалар — роман, повесть Ўзбек
адабиётидан муносиб ўрин олди.
Миллий поэзиядаги чуқур рево-
люцион ўзгаришлар бу поэзия
билан адабиётнинг бошқа мил-
лий отрядлари ўртасида, Ўзбек

ва рус поэзияси — классик поэзия
ва ҳозирги замон поэзияси
ўртасида ўрнатилган чамбар-
час алоқалар тўғайли содир
бўлди. Миллатлараро алоқалар
Ўзбек драматургияси ва профес-
сионал театрининг юксалишига
ижобий таъсир кўрсатди.

Коммунистик партия тарбия-
лаб, қамолга етказган Ўзбек со-
вет адабиёти ўз руҳи билан, ўз
қарор тоғити билан биргаликда
билан тоғит интернационал адабиёт-
дир. Бу адабиёт ижод қилётган
муаллифлар состави жиҳатидан
ҳам интернационал адабиётдир.

Янги, социалистик мазмун бил-
лан бойитган Ўзбекистоннинг ҳо-
зирги адабиёти бутун иттифоқи-
мида таъдирланди, бу адабиёт-
нинг асарлари халқаро майдонда
катта ўрин олди. Бу адабиёт
ўзининг ифода воситаларини
неғайтирди, жанрларини кўпай-
тирди, социалистик реализм ме-
тодини яхши етгаллаб олди.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ҚУШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ- НИНГ ОЧИЛИШИ ТУГРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Мар-
казий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий
Советининг Совет Социалистик Рес-
публикалари Иттифоқи ташкил этил-
ганлигининг 50 йиллигига бағишлан-
ган қўшма тантанали мажлиси Тош-
кент областа ва шаҳар партия коми-
тетлари аъзолари, аъзоликка канди-
датлари, Тошкент областа ва шаҳар
партия ташкилотлари ревизио комис-
сияларининг аъзолари, меҳнаткашлар
депутатлари Тошкент областа ва ша-
ҳар Советларининг депутатлари иш-
троқда эртага — 11 декабрь соат
11 да Санъат саройида очилади.

ХОРАЗМ ПАХТАҚОРЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Хоразм областининг кишлоқ хўжалик меҳнат-
чилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга
ошира бориб, СССР ташкил этилганлигининг 50
йиллигига шарофатли мусобақани авм олдириб,
пахта топириш давлат планини 8 декабрда ба-
жардилар.

Хоразм мамлакатга 350 минг тонна — ҳар
гектар пахта майдонидан 33,5 центнердан «оқ ол-
тин» топириди.

Янгиерик районининг деҳқонлари бу муваффа-
қиятга катта ҳисса қўшдилар. Улар ҳар гектар
ердан 36,4 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга
66,6 минг тонна пахта топиридилар ва халқ хў-
жалик планини бажардилар. Богот районининг
хўжаликлари гектар бошқа 35,6 центнердан,
Гурлан, Хазорасп, Хива районларининг хўжалик-
лари 33 центнердан ошириб хирмон кўтардилар.

Гурлан районидидаги «Коммунизм», Янгиерик рай-
онидидаги Қирон номи ва Охунбобоев номи, Бо-
гот районидидаги Нариманов номи колхозлар ва
бошқа хўжаликлар гектар бошқа 40 центнердан
эиш ҳосил кўтардилар.

Меҳнаткорлар зўр ғайрат билан меҳнат қи-
либ, пахта териш машиналарида 170 минг тон-

надан кўпроқ ёки ҳосилининг қариб ярмини те-
риб бердилар. Меҳнаткорлардан К. Нима-
нов, Н. Раззоков, Б. Жуманов ва бошқа
кўп кишилар айниқса намуна кўрсатдилар.

Областа меҳнатчилари бу катта муваффақиятга
илоҳозчилар, совхоз ишчилари, кишлоқ хўжали-
ги ва сув хўжалиги мутахассисларининг фидоко-
рона меҳнати тўғайли. КПСС Марказий Комитети
ва Совет ҳукумати пахтачиларини ва кишлоқ хў-
жалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқлари-
ни ривожлантириш туғрисида, илоҳоз ва совхоз-
ларини моддий-техника билан таъминлаш ҳақи-
да доимо ғамхўрлик қилиб, катта ёрдам бериб
келганликлари тўғайли эришдилар.

Партия ташкилотлари, совет, насаба союз, ком-
сомол ва кишлоқ хўжалик органлари ташкилот-
чилар ва сиёсий ишчи моҳирлини билан олиб
борганликлари ҳал қилувчи омиллардан бири
бўлди.

Областа деҳқонлари келриси йил мўл ҳосили
учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида кузги-
чиши тадбирлар комплексини амалга ошириш
юзасидан ишларини авм олдириб юбордилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИКЛАРИНИНГ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТИ

Қорақалпоғистон АССР кишлоқ хўжалик меҳ-
натчилари КПСС XXIV съезди қарорларини ама-
лга ошира бориб, СССР ташкил этилганлигининг
50 йиллигини муносиб кутуб олиш учун тайёр-
гарлик кўриб, шу йилнинг ноқулай об-ҳаво ша-
ронларини энгиб, мўл пахта ҳосили етиштири-
лар ва давлатга пахта сотиш планини 8 декабр-
да бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 270 минг тонна хомашё
етказиб берилди.

Халқ хўжалик планини биринчи бўлиб бажар-
ган Қўнғирот ва Шуманай районларининг, шу-
нингдек 32 минг тонна пахта топириган Турт-
қўл, 42 минг тонна пахта топириган Амударё,
35 минг тонна пахта топириган Беруний, 24
минг тонна пахта топириган Кегайли, 20 минг
тонна пахта топириган Хўжайли, 20 минг тонна
пахта топириган Чимбой, 16 минг тонна пахта
топириган Тахтамушун, 14 минг тонна пахта
топириган Ленинобод, 6,5 минг тонна пахта то-
пириган Нукус районларининг деҳқонлари пла-
нини бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Меҳнаткорлар «замори нома»ларининг бун-
керларидан 110 минг тоннадан кўпроқ «оқ ол-
тин» тўкиб, катта муваффақиятларга эришдилар.

Қорақалпоғистон пахтакорлари бу муваффақия-
тга илоҳозчилар ва совхоз ишчилари, меҳнат-
корларнинг фидококона меҳнати тўғайли. КПСС
Марказий Комитети билан Совет ҳукумати
доимо ғамхўрлик қилиб, ёрдам бериб келётган-
ликлари тўғайли, партия ташкилотлари, совет,
насаба союз, комсомол ва кишлоқ хўжалик ор-
ганлари моҳирли билан ташкилотчилик ва сиё-
сий иш олиб борганликлари тўғайли эришдилар.

Автоном республика илоҳоз ва совхозларининг
муносиб кутуб олиш учун социалистик мусобақа-
ни кенг авм олдириб, партия ва ҳукуматнинг
оталарча ғамхўрлигига мавобан кузги-чиши
тадбирларининг бутун комплексини юксак агро-
техника даражасида бажариш учун куч-ғайрат
сериламоқдалар ва 1973 йилда кишлоқ хўжалик
экилларида мўл ҳосил етиштириш учун яхши
замин тайёрламоқдалар.

B. 288